

"Зухра" маҳалла халқ демократик партияси бошлангич партия ташкилотининг йиғилиши

## Б А Ё Н И

2.07.2002 йил.

Катнашдилар: ХДП аъзоларидан А.Алимова, И.Умрзаков, Н.Ҳомидова.

Катнашмади: М.Тожибоева.

Таклиф қилинди: "Зухро" МФЙ раиси М.Даминов, шаҳар ХДП кенгаши биринчи котиби М.Исаков.

Кун тартиби: I.Ўзбекистон халқ демократик партияси Низомига асосан бошлангич партия ташкилоти фаолиятини тухтатиш ҳақида.

Йиғилиш УэхДП Маргилон шаҳар кенгаши биринчи котиби М.Исаков раислигида ўтди. Йиғилиш раиси кун тартибидаги масала билан таништириб олгандан кейин шу масала юзасидан сузга чиқди. М.Исаков ўз сузида катта умидлар билан "Зухро" маҳалласида 2000 йилда бошлангич партия ташкилоти тузилиб унда 5 та ХДП аъзоси ҳисобда турар эди. Бошлангич партия ташкилоти котиби этиб журналист Тожибоева Мутабар хон сайланган эди. Утган 2 йил вақт ичида партия ташкилоти иши яхшиланмади. Бирор марта ҳам аъзолик бадаллари туланмади. Энг ёмони 5 та партия аъзосидан шу кунга келиб 2 та аъзо қолди, ҳолос. Партия сўфига 2 йил ичида бирорта янги аъзо қабул қилинмади, йиғилишлар ўтказилмади. Партиянинг Низомига асосан 5 ва ундан ортиқ партия аъзоси бор жойдагина партия ташкилотини тузиш мумкин. Шунини ҳисобга олиб ҳамда партия ташкилоти ўтган 2 йил давомида фаолият курсатмагани учун уни тарқатиб юборишга қарор қилинди. Ҳисобда турган 2 та партия аъзоси 3-ЖЭК бошлангич партия ташкилоти ҳисобига ўтказилди. Сузга чиққан М.Даминов ҳақиқатдан ҳам партия ташкилоти етарли фаолият курсатмаганини тан олди. УэхДП Маргилон шаҳар кенгаши Низом талаблари асосида тугри қарорга келган деди.

Ўқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш К А Р О Р қилади:

- 1.Ўзбекистон халқ демократик партияси Низоми талабларига асосан "Зухро" маҳалла бошлангич партия ташкилоти тугатилсин.
- 2.Партия ташкилоти ҳисобида турган М.Тожибоева ва Н.Ҳомидовалар 3-ЖЭК партия ташкилоти ҳисобига қуйилсин.
- 3.Маҳалла бошлангич ташкилоти қошида тузилган "Уттрақлар клуби" фаолияти ҳам тухтатилсин.
- 4.3 ой муҳлат ичида ХДП аъзолари М.Тожибоева ва Н.Ҳомидовалар аъзолик бадаллари буйича қарзларини туламасалар, фаолият курсати масалар ва 3-ЖЭК бошлангич партия ташкилоти ҳисобида туришни истамаса уларни УэхДПдан чиқариб юборилсин.
- 5.Ушбу қарорни тасдиғини УэхДП шаҳар кенгаши ижроия бюросидан суралсин.

Йиғилиш раиси  
Йиғилиш котиби



М.Исаков  
М.Даминов